

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ИСОҚОВ ЛУХМОНЖОН ХОЛБОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Исоков Лухмонжон Холбоевич

Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг
ташкилий-ҳуқуқий асослари.....3

Исоков Лухмонжон Холбоевич

Организационно-правовые основы государственного управления
в сфере миграции в Узбекистане.....25

Isokov Lukhmonjon Kholboevich

Organizational and legal framework of public administration
in the field of migration in Uzbekistan.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ИСОҚОВ ЛУХМОНЖОН ХОЛБОВЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Yu294 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/avtoreferatlar) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Саидов Акмал Холматович академик, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рўзиев Зафар Райимович юридик фанлар доктори, доцент Раҳимов Абдуманноб Қўзиевич юридик фанлар номзоди
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 31 январь куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45 уй. Тел.: (99871) 232-60-80, факс: (99871) 232-60-66, e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (54-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45 уй. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2020 йил 15 январь куни тарқатилди.
(2020 йил 15 январьдаги 30-рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

Ж.Ў. Тошқулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли миграцияси ҳар бир давлатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бўлиб, ҳозирги глобаллашув босқичида бирорта ҳам мамлакат миграция жараёнларидан четда қолмади. БМТ маълумотларига кўра, 2019 йилда халқаро мигрантларнинг умумий миқдори сўнгги 25 йил ичида икки маротабадан зиёдга кўпайиб, бутун сайёрамизнинг 3,4 % аҳолисига тенглашди ва 257,7 миллиондан ортиқни ташкил этди¹. 2050 йилга бориб, бу рақамнинг 405 миллиондан ортиши тахмин қилинаётгани² инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми бўлган эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш принципларини самарали қафолатлашни талаб этмоқда.

Жаҳонда миграция жараёнларини самарали бошқариш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни тадқиқ этишга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳар бир давлат ўз фуқароларини чет элларда ҳам сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиши ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ миграция сиёсатини амалга ошириши, ижтимоий-демографик жиҳатдан аҳоли сонининг ўсиши нафақат мамлакат ичидаги ижтимоий муносабатларга, балки халқаро меҳнат бозорига ҳам таъсир ўтказаяётганлиги, иқтисодий-молиявий жиҳатдан меҳнат мигрантлари томонидан ўз ватанларига киритаётган пул маблағлари ташқи молиявий манбаларнинг муҳимлиги бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан кейинги ўринни эгаллаши³ кузатилмоқда.

Мамлакатимизда 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида кўчиб келганлар сони 117,6 минг нафарни (115,6 минг нафар республика ҳудудларидан, 2 минг нафар чет эл мамлакатларидан), кўчиб кетганлар сони эса 126,1 минг нафарни (115,6 минг нафар республика ҳудудларига, 10,5 минг нафар чет эл мамлакатларига) ташкил этди⁴. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг: “Бизнинг бу борадаги позициямиз аниқ: одам қаерда бўлса ҳам ишлаши, оиласи, бола-чақасини боқиши керак. Лекин у ҳалол меҳнат қилиши, қонуний йўл билан даромад топиши лозим. Бунинг учун давлатимиз барча шароитларни яратиб беришга тайёр”⁵, деб таъкидлагани Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда миграция жараёнларини самарали тартибга солиш масалаларини чуқур тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

¹ United Nations, Department of Economic and Social Affairs. Population Division (2019). Trends in International Migrant Stock: the 2019 Revision (United Nations database, POP/DB/MIG/Stock/Rev.2019).

² Le Rapport État de la migration dans le monde 2018. Genève: OIM, 2019. – P.2.

³ Меҳнат мигрантлари пул ўтказмалари ЯИМдаги улуши Ўзбекистонда 6%, Қирғизистонда 35,1%, Тожикистонда 32,2 %, Молдовада 20,5 %ни ташкил қилади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2018 йилда миграциядан Ҳиндистон 79,5 млрд, Хитой 67,4 млрд, Филиппин 33,7 млрд (ёки ЯИМ 10 фоиздан зиёд), Мексика 33,7 млрд, Миср 25,7 млрд, Покистон 20,9 млрд, Украина 16,5 млрд, Ўзбекистон 5 млрд АҚШ доллари миқдорида даромад кўрган (World Bank’s Migration and Development Brief reports, December 2018).

⁴ O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi - Demografik holat // Электрон манба: <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/7428-demografik-holat-6> (Мурожаат вақти: 25.10.2019).

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 июнь.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги (1992), “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги (2018), “Туризм тўғрисида”ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017), “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳамоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги (2019) фармонлари ҳамда “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018) қарорлари ва соҳага оид бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ амалга оширилган изланишларни қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

биринчидан, давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда миграция жараёнларига оид концептуал ва стратегик ғоялар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев асарларида ёритиб берилган¹;

иккинчидан, Ўзбекистонда давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид назарий-ҳуқуқий жиҳатлар: Х.Р.Алимов, М.А.Ахмедшаева, М.З.Зиёдуллаев, Ш.Т.Икрамов, И.Исмоилов, Н.Т.Исмоилов, М.М.Миракулов, Ў.Х.Мухамедов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Раҳманкулов, Х.И.Рузметов, А.Х.Саидов, С.М.Селиманова, А.С.Турсунов, И.А.Хамедов, Э.Т.Ҳожиев, Ғ.Т.Ҳақимов ва О.Т.Ҳусанов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган;

учинчидан, миграция соҳасидаги давлат бошқарувига оид назарий-ҳуқуқий муаммоларни монографик тадқиқот тарзида ўрганган олимлар қаторига: А.П.Алехина, Л.В.Андриченко, Ж.С.Араухо, Р.Аплеярд, С.Бакли, В.А.Волох, Е.И.Габричидзе, Ж.Гарвей, Н.Е.Господынько, Х.Доменак, Р.Ш.Давлетгильдеев, Ю.Г.Ефимов, А.Жермен, Д.Жюто, И.В.Ивахнюк, В.А.Коробеев, Ж.Мартинез, Г.Мас, Р.Э.Парк, М.Пикуе, А.С.Прудников, Э.Г.Равенштейн, Л.Л.Рыбаковский, В.Д.Самойлов, А.Н.Сандугей, А.В.Семенова,

¹ Мазкур асарлар рўйхати ишнинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

С.Сколари, М.Л.Тюркин, Т.Я.Хабриева, А.У.Хомра, Х.Эльмадмад¹ каби чет эллик олимларни киритиш мумкин. Ушбу олимларнинг айримлари миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишга оид назарий-ҳуқуқий муаммони тегишли давлатларнинг воқелигидан келиб чиқиб ўрганган бўлсалар, бошқалари мазкур муаммони ўз тадқиқотларининг у ёки бу жиҳатини ёритиш жараёнида кўриб чиққанлар.

Ўзбекистонда миграция масаласининг, асосан, халқаро-ҳуқуқий ва иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари тадқиқ этилган. Мисол сифатида К.Ш.Арипова, Б.Т.Мусаев, Ш.Н.Исақулов, С.А.Ишанходжаев, Л.П.Максакова, Д.Н.Муйдинов, М.К.Муқимова, Н.Р.Насырова, Ф.Я.Пармонов, И.В.Самиев, Р.Р.Уринбоев, Д.Х.Юлдашев, З.А.Қодирова кабиларнинг илмий изланишларини келтириш мумкин.

Мамлакатимизда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари юзасидан назарий-ҳуқуқий муаммолар давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назардан алоҳида монографик тадқиқот тарзида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган “Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг долзарб муаммолари” илмий тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ўрганиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимига қаратилган илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миграция соҳасидаги давлат бошқарувига оид илмий-назарий материалларни ўрганиш, мазкур масалага оид муаммоларни аниқлаш ва умумлаштириш;

давлат томонидан миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишнинг шакллари ва усулларини таҳлил этиш;

замонавий ёндашувларни тадқиқ этиш орқали миграция жараёнларини самарали бошқаришнинг янги моделини яратиш ва асослаш;

миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тавсифлаш ва таснифлаш;

миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича халқаро стандартлар тизимини таҳлил этиш;

хорижий давлатларда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг хусусиятларини ўрганиш ва миллий амалиётда қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш;

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ҳуқуқий муаммоларини таҳлил қилиш орқали уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва таклифларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистоннинг миграция соҳасидаги давлат бошқарувини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот предметини миграция соҳасидаги давлат бошқарувини амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар, илмий-концептуал ёндашувлар, қарашлар, тамойиллар, моделлар, шакл ва усуллар, қоидалар, шунингдек, уларнинг амалиётда жорий этилиши ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, социологик сўров, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хусусий бандлик агентликлари фаолиятини амалга оширишнинг лицензияга оид талаби сифатида меҳнат ва миграция тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мажбурий равишда риоя этиш зарурати асослаб берилган;

ваколатли давлат ҳокимияти органи манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда, туризмдан шахсларнинг қонунга хилоф миграцияси, уларнинг меҳнатини эксплуатация қилиш ҳамда уларни бошқача тарзда эксплуатация қилиш мақсадида фойдаланишга қарши курашишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозимлиги асослантирилган;

чет элдаги фуқароларимизга конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун хориждаги участка сайлов комиссиялари сайловчилар сони кўплигини инобатга олган ҳолда ва сайлов куни овоз бериш биносида навбатларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларга муддатидан олдин овоз беришни таклиф қилиши, зич ҳолда яшайдиган ёки ишлайдиган сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериши хориждаги сайлов участкасининг биносидан ташқарида кўчма сайлов қутиларида фойдаланилган ҳолда ўтказилиши зарурлиги исботланган;

Миграция соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг концепциясини ишлаб чиқиш, миграция ҳуқуқини алоҳида фан соҳаси сифатида шакллантириш ва Миграция кодексини ишлаб чиқишда хорижий экспертларнинг кўмагидан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун Миграция бўйича халқаро ташкилот Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси миграция қонунчилигини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган “миграция”, “ноқонуний миграция” ва “миграциявий модель” каби тушунчаларга муаллифлик таърифи берилган;

мамлакатимиз шароитида миграция жараёнларини самарали бошқариш моделини танлашда, муаллифлик ғояси сифатида шакллантирилган “7 та мезон қоидаси”га асосланган ўзига хос замонавий аралаш моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

Миграция соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг концепциясини ишлаб чиқиш, миграция ҳуқуқини алоҳида фан соҳаси сифатида ўрганиш ва ўқитиш зарурати илмий асослантирилган;

фуқароларимиз билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудида қонуний асосда бўлиб турган ҳар қандай шахсга ҳам халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқ эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини бериш, барчанинг эркин яшаш жойини танлаш принципини мустаҳкамлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасини такомиллаштириш ғояси илгари сурилган;

БМТнинг “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича” конвенциясига қўшилиш ва миллий қонунчилигимизни ушбу ҳужжат талабларига мувофиқлаштириш ташаббуси билдирилган;

миграция масаласига оид барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш орқали Миграция кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги исботланган;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги негизида ягона миграция сиёсатини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Миграция давлат қўмитасини ташкил қилиш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий изланиш натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, расмий манбалардан олинган назарий қарашлар ва методологик ёндашувлар, социологик сўров ҳамда эмпирик материалларга асосланган бўлиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, тақлиф ҳамда тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, тақлиф ва тавсиялардан миграция соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб боришда, қонун ижодкорлигида, миграцияга оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ” каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан бойитишда, Ўзбекистонда “Миграция ҳуқуқи” фанини шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тавсия ва хулосаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларнинг жорий этилиши миграция соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, мазкур соҳада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, давлатнинг миграция сиёсатини амалга оширишдаги ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига доир олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг лицензияга оид талаби сифатида меҳнат ва миграция тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мажбурий равишда риоя этишни белгилаш таклифи 2018 йил 16 октябрдаги ЎРҚ-501-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2019 йил 7 октябрдаги 04/3-06-84-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши меҳнат ва миграция тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мажбурий равишда риоя қилиниши устидан назоратни кучайтиришга ва хусусий бандлик агентликларининг масъулиятини оширишга хизмат қилган;

туризмдан шахсларнинг қонунга хилоф миграцияси, уларнинг меҳнатини эксплуатация қилиш ҳамда уларни бошқача тарзда эксплуатация қилиш мақсадида фойдаланишга қарши курашишни таъминлаш юзасидан ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишига доир таклиф 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2019 йил 7 октябрдаги 04/5-05-104-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар туризм орқали ноқонуний миграция оқимининг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

чет элдаги фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга оид таклифдан 2019 йил 25 июндаги ЎРҚ-544-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Сайлов кодексининг 10-, 14-, 23-, 27-, 29- ва 51-моддаларини, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 22 октябрдаги 966-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-, 11-, 35-37-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 23 августдаги 597/1-сон ва 2019 йил 27 ноябрдаги 1183/1-сон маълумотномалари). Таклифнинг жорий этилиши чет элдаги фуқароларимизга

конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай шароит яратишга хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг Миграция бўйича халқаро ташкилотга аъзо бўлишига оид таклиф 2018 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-510-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган “Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 97-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижа мамлакатимизда миграция сиёсати концепцияси ва Миграция кодексини ишлаб чиқишда, миграция ҳуқуқини алоҳида фан соҳаси сифатида шакллантиришда хорижий экспертлар кўмагидан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиши учун ҳуқуқий замин яратишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий мазмуни ва илмий натижалари 9 та илмий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та, жумладан, 2 та монография ва диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 16 та (шундан 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар, шартли белгилар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг назарий жиҳатлари**” деб номланиб, унда мавзунинг илмий-назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. Миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг субъектлари ва объектлари таҳлил этилган ҳамда миграция жараёнини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солишнинг шакллари ва усуллари, уларни бошқаришнинг замонавий моделлари батафсил ёритилган. Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари таҳлил этилган.

Мазкур бобнинг **“Миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг илмий-назарий асослари”**га бағишланган биринчи параграфиди миграция ва давлат бошқарувининг ҳуқуқий мазмун-моҳияти батафсил тадқиқ этилган.

Ҳуқуқшунос олим Ф.Я.Парманов миграцияни жамият ичида доимий юз берадиган табиий жараён, деб билса, Л.П.Максакова масалани меҳнат муносабатларига боғлайди. Диссертант иммиграция ва эмиграция ҳам “доимий асосда” бўлмаслиги мумкинлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, “доимий асосда ёки узоқ вақт” шаклида ифодалаш айти муддао бўлади.

А.В.Семенова миграцияни “муайян ҳудудда юзага келадиган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолар сабабли оммавий кўчишлар мажмуи”, деб ҳисобласа, В.Д.Самойлов “Миграция – одамлар ҳаракатланиши, оила, жамият ва давлат манфаатларига биноан янги фуқаролик-ҳуқуқий мақомни қўлга киритиши билан боғлиқ ниятларини амалга оширишда шаклланадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса”, деб таърифлайди. Диссертант А.В.Семенованинг таърифидаги миграцияни “оммавий кўчиш” сифатида баҳолашга қўшилиб бўлмаслигини, сабаби муайян ҳудуддан биргина кишининг кўчиши ҳам бу жараёни юзага келтириши мумкинлигини асослайди ва бу борада В.Д.Самойловнинг таърифи нисбатан тўлиқроқ эканлигини тасдиқлайди.

Диссертант юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, миграция деганда – жисмоний шахсларнинг бир давлатдан бошқасига, шунингдек, ўз давлати ҳудудида доимий ёки вақтинчалик, ихтиёрий ёки мажбурий кўчишини, ноқонуний миграция деганда эса чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат қонунчилигини бузган ҳолда давлат ҳудудига кириши, ҳудудида бўлиши, ҳудуд орқали транзит ўтиши, ҳудудидан кетишини тушуниш лозим, деб ҳисоблайди. Шунингдек, муаллиф томонидан Ўзбекистонда илк мартаба “Миграция ҳуқуқи”ни алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида эътироф этиш ғояси илгари сурилган.

Тадқиқотчининг фикрича, кенг маънода миграция соҳасидаги давлат бошқаруви миграция сиёсатини барча ваколатли органлар томонидан бошқарилишини аниқлаш, тор маънода эса миграция жараёнларини тартибга солувчи ижро ҳокимияти органларининг бевосита фаолияти тушунилади.

Миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг субъектлари тегишли давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслари ҳисобланса, унинг объекти ҳокимият ваколатларига эга бўлмаган миграция жараёнининг иштирокчилари, фуқаролар, идоралар ва ташкилотлар ҳисобланади.

Муаллиф ҳуқуқшунос олим А.В.Васильеванинг миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги ҳуқуқ нормасининг қўзланган натижага эришилганлиги билан баҳолашни зарурати ҳақидаги фикрига қўшилади.

Америкалик олим Ж.Гарвейнинг ижро ҳокимиятининг ваколатларига миграция соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, давлатнинг ягона ижтимоий ва миграция сиёсатини олиб бориш, жамоат бирлашмалари ҳамда диний ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш кабилар кириши бўйича ғоялари диссертант томонидан қўллаб-қувватланган.

Мазкур параграф доирасида давлатнинг миграция сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги асосий вазифаларидан бири – миграцияга оид ҳуқуқий

муносабатларнинг субъектларини тўлиқ қамраб олишга қаратилган замонавий меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантиришдан иборат эканлиги ҳақидаги хулосага келинган.

“Давлат томонидан миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишнинг шакллари ва усуллари” деб номланган иккинчи параграфда миграция соҳасидаги институционал ҳамда ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурлари ва концепцияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш масалалари кўриб чиқилган. Мамлакатда миграциявий ҳолатга оид эмпирик материал асосида, турли ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, мазкур соҳадаги жараёнлар суръати тўғрисидаги маълумотлар, давлат миграция сиёсатининг устувор йўналишлари таҳлили асосида Ўзбекистоннинг узоқ истиқболдаги стратегик устуворликларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Миграция соҳасидаги давлат бошқаруви фаолиятининг ҳуқуқий шакллари билан бир қаторда кўп қиррали вазифаларни ҳал этишда бошқарув усуллари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, давлатнинг вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш учун усуллар, услублар, воситалар, таъсир чоралари тизимига эҳтиёж сезилади. Бу каби вазифалар бошқарув усуллари, яъни ҳуқуқий воситалар тизими орқали амалга оширилади.

Диссертантнинг фикрича, миграция жараёнларини тартибга солиш Ўзбекистон ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат қилишига руҳсат бериш усули; мамлакат ҳудудида миграциявий ҳисобга олиш бўйича муайян ҳаракатлар тартибини ўрнатиш натижасидаги буйруқ усули; мамлакат ҳудудига ноқонуний мигрантларнинг кириб келишини тақиқлаш каби таъсир усуллари билан характерланади.

Давлат томонидан миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ва усулларининг таҳлили асосида қуйидаги икки асосий таклиф илгари сурилади:

биринчидан, миграция соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Айни пайтда, Ўзбекистонда узоқ муддатли истиқболни белгилаш ва муаммоларни тизимли ҳал этиш мақсадида меъёрий хусусиятдаги стратегиялар, “йўл хариталари”, дастурлар, концепциялар, чора-тадбирлар режаси қабул қилинган. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида давлат сиёсати Концепцияси шулар жумласидан. Ушбу Концепцияда ватандошлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича давлат сиёсатининг асосий принциплари, вазифалари ва йўналишлари, маданий, илмий, маърифий, иқтисодий ва ахборот соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари, ватандошларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари тартибга солинган, бироқ унда миграция масалалари тўлиқ ўз аксини топмаган;

иккинчидан, миграция соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Ушбу дастурнинг асосий вазифаси давлат миграция сиёсатининг устуворликларини шакллантириш; миграция жараёнларининг давлат томонидан бошқаруви тизимини такомиллаштириш; миграция

жараёнлари суръатининг узок муддатли истиқболни белгилашнинг комплекс тизимини йўлга қўйиш; халқаро стандартларга мослаштириш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш; миграция назорати соҳасидаги мақсадли тадбирларнинг манзиллилигини ошириш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш; миграцияни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимининг ягона маълумотлар базасини яратиш; ноқонуний миграциянинг олдини олиш, мигрантларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган чораларни амалга ошириш.

Биринчи бобнинг **“Давлат томонидан миграция жараёнларини бошқаришнинг замонавий моделлари”** номли учинчи параграфидида илғор халқаро тажриба таҳлилига мувофиқ, шунингдек, “Халқаро миграция аниқловчилари”, “Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг миграция бошқаруви индикаторлари”, “Қиёсий иммиграция сиёсати”, “Халқаро миграция сиёсати ва ҳуқуқий таҳлил”, “Миграциянинг интеграция сиёсати индекси” каби БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий ишлар бўйича департаменти ва Миграция бўйича халқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилган миграция сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги муҳим кўрсаткичлар асосида миграция жараёнларини бир бутун бошқариш тизимини шакллантириш бўйича асосий ёндашувлар тадқиқ этилган.

Тадқиқотчининг фикрича, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда давлатнинг миграция жараёнларига таъсирини уч асосий концепцияга ажратиш мумкин:

1. Фаол тартибга солиш концепцияси (ҳуқуқий, маъмурий, иқтисодий воситалар орқали миграция жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши);

2. Аралашмаслик концепцияси (ташқи миграция жараёнларига давлат таъсирининг пастлиги ёки мавжуд эмаслиги);

3. Истиқболга мўлжалланган концепция (миграция жараёнларини тартибга солиш муаммолари халқаро даражада ҳал этилиши мумкинлиги).

Муаллифнинг фикрича, миграция жараёнларини рағбатлантиришга мўлжалланган модель, маъмурий воситалар билан миграцияни чеклашга қаратилган модель, шунингдек, асосан, ташқи меҳнат миграциясини чеклаш ва рағбатлантириш элементларини ўзида мужассам этувчи аралаш каби моделлар мавжуд. Миграцияни давлат томонидан бошқаришнинг аралаш моделининг ўзига хос хусусияти шундаки, у етти асосий мезонга асосланади:

1. Миграция ҳуқуқининг конституциявий кафолатланганлиги.

2. Миграция соҳасидаги миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги.

3. Мамлакатнинг миграция бўйича халқаро ташкилотлар ҳамжамиятига интеграциялашганлиги.

4. Миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясининг мавжудлиги.

5. Миграция сиёсати бўйича ягона ихтисослашган орган мавжудлиги.

6. Миграция қонунчилигининг ягона ҳуқуқ соҳасига консолидациялашганлиги.

7. Миграцияни тартибга солишга қаратилган замонавий маъмурий усуллардан фойдаланилганлиги.

Диссертант Ўзбекистон шароитида миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг аралаш моделига ўтиш мақсадга мувофиқлигини асослаб, миграция соҳасидаги давлат бошқарувини ҳуқуқий тартибга солиш миллий модели рационаллик, иқтисодий фойда ва ижтимоий хавфсизлик (маданий-диний ва этно-миллий), шунингдек, ҳуқуқий таъминланганлик каби асосий таркибий қисмдан иборат бўлиши лозимлиги таклиф қилинади. Ушбу таркибий қисмлар ва миграция сиёсати самарадорлигининг етти асосий мезони ўзаро уйғунлашганда миграция жараёнларини давлат томонидан бошқаришнинг энг мақбул модели шаклланиши мумкин. Миграция жараёнларини ҳаддан зиёд рағбатлантириш ҳам, қатъий чекловларни киритиш ҳам ноқонуний миграциянинг авж олишига олиб келади. Шу боис, иккала модель ўртасидаги мувозанатни сақлашнинг ягона йўли юқоридаги талаб ва мезонларни бирлаштиришдир.

Шу аснода биринчи бобда миграция соҳасидаги давлат бошқарувига оид ҳам назарий, ҳам амалий ёндашувлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Миграция жараёнларини бошқаришга оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар ҳуқуқий амалиёти”** деб номланиб, унда миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишда халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар амалиёти чуқур таҳлил қилинган, хорижий мамлакатларда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий хусусиятлари тадқиқ этилган. Бобда миграция соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришга оид халқаро, минтақавий ва икки томонлама шартномалар, глобаллашув шароитида миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари таҳлил қилиниб, миграция соҳасидаги миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу бобнинг **“Миграция соҳасидаги давлат бошқаруви ташкилий-ҳуқуқий асосларининг тавсифи”** деб номланган биринчи параграфида миграция соҳасидаги давлат бошқаруви тамойиллари таҳлил этилган. Диссертантнинг фикрича, улар ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий соҳалардаги миграция жараёнларини самарали тартибга солишга қаратилган бўлиши, миграция фаолиятини тартибга солиш нафақат ижро органлари, балки бошқарув ҳокимиятининг барча тармоқлари томонидан амалга оширилиши, мазкур соҳадаги бошқарув мамлакатга тўсиқсиз кириш ва чиқиш борасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларига сўзсиз риюя этишга асосланган бўлиши лозим. Миграция муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги хорижий тажрибани қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш натижасида миграция қонунчилиги, аввало, миграция жараёнларини тартибга солувчи маъмурий ҳуқуққа асосланган бўлиши ҳақида хулосага келинди.

Тадқиқот натижасига биноан, хорижий мамлакатларнинг миграция соҳасидаги миллий қонунчилиги қоидаларининг таҳлили миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш субъектларининг қуйидаги асосий функцияларини ажратиш имконини берди:

- миграция соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва доимий янгилаб бориш, ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;

- миграция соҳасида ижро ҳокимияти органлари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий, жумладан, маъмурий-ҳуқуқий базани яратиш, уларнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликда иштирок этиш;

- миграция соҳасида халқаро ташкилотлар билан режали ва тезкор тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш ва ҳоказо.

Мазкур параграф доирасида тадқиқотчи миграция соҳасидаги давлат сиёсатини бошқариш давлат бошқарувининг бир қисми ҳисобланиб, ўз навбатида, ҳар қандай миграциявий муҳитда, жумладан, фавқулодда вазиятлар пайтида ҳам миграция тизимининг самарали фаолиятига президентлик институтининг таъсири мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

Миграция соҳасидаги самарали давлат бошқаруви учун миграция сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш, давлат органлари, идоралари ва муассасалари, шунингдек, нодавлат ташкилотлар ва уюшмаларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, миграция жараёнларини тартибга солиш ва назорат қилиш тавсия этилган.

Диссертацияда миграция соҳасидаги давлат бошқаруви органларини ваколат доирасига қараб, қуйидаги 4 гуруҳга ажратиш ғояси илгари сурилган:

1) мувофиқлаштирувчи функцияларни амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг олий органлари (Президент, Ҳукумат, Парламент, Конституциявий суд ва Олий суд);

2) махсус функцияларни амалга оширувчи ижро ҳокимияти органи – Миграция давлат хизмати ёки кўмитаси (унинг ҳудудий бўлинмалари, чет элдаги ваколатхоналари ва миграциявий назорат пунктлари);

3) алоҳида функцияларни амалга оширувчи ижро ҳокимияти органлари – Ички ишлар вазирлиги, хавфсизлик хизмати (чегара қўшинлари), Меҳнат вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги (элчихоналар, дипломатик ваколатхоналар) ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича органлар;

4) кўмаклашувчи функцияларни амалга оширувчи ижро ҳокимияти органлари – вазирликлар (фавқулодда вазиятлар, мудофаа, адлия, соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодиёт, молия), кўмиталар (солик, статистика, божхона) ва бошқа давлат бошқаруви органлари (агентликлар, марказлар, инспекциялар ва ҳ.к.).

Мазкур бобнинг **“Миграцияга оид халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва институционал механизмлар”** деб номланган иккинчи параграфида миграция жараёнларини тартибга солишга доир халқаро ҳуқуқ нормалари ва институтлари юзасидан бир қатор миллий ва хорижий олимлар (Р.Аплеяр, Н.А.Воронина, С.А.Ишанходжаев, В.А.Карташкин, П.А.Розентал, А.Х.Саидов) нинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Ушбу параграфда икки асосий масала, яъни миграция жараёнларини бошқаришда халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва институционал механизмлар алоҳида таҳлил этилган.

Диссертация ишида универсал, минтақавий ва икки томонлама халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий талаблари кўриб чиқилган бўлиб, бунда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш миллий тизимларининг ривожланишига таъсир этиш тенденциялари аниқланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция, шунингдек, Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартноманинг меъёрларини имплементация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқотчи миграция жараёнидаги фуқаролар ҳуқуқларининг кенг қамровли ҳимояси бўйича халқаро ҳамжамият меъёрлари ва талабларини миллий қонунчиликда тўлиқроқ амалга оширишга ёрдам берувчи БМТнинг “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича” халқаро конвенциясига қўшилиш таклифини асослаб берган.

Ишда миграция жараёнларини тартибга солишнинг халқаро-институционал механизмлари борасида миграция масаласи билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар, шартли равишда, умумий (асосан, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш йўналишида БМТнинг Тараққиёт дастури, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа иттифоқи ва ҳ.к.) ва махсус (Халқаро Меҳнат Ташкилоти, БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси, Миграция бўйича халқаро ташкилот, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши) каби турларга бўлиб тадқиқ қилинган.

Миграция соҳасидаги халқаро ҳамкорлик йўналиши тобора кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва биргаликда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича таклиф муаллиф томонидан асослантирилган.

Иккинчи бобнинг **“Хорижий мамлакатларда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг хусусиятлари”** деб номланган учинчи параграфида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш каби конституциявий ҳуқуқ, шунингдек, миграция соҳасидаги давлат бошқаруви фаолиятини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибаси таҳлили баён этилган.

Унда бир қатор хорижий мамлакатларда (Арманистон, Беларусь, Грузия, Канада, Қирғизистон, Қозоғистон, Марокаш, Молдова, Озарбайжон, Россия, Руминия, Тожикистон, Туркманистон, Туркия, Украина, Эстония) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини қонуний таъминлаш амалиётини таҳлил қилиш асосида, Ўзбекистонда эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини танлашга оид фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар илғари сурилган.

Мутахассислар (М.Р.Рзаев, О.Селиктар, А.М.Халбаева) давлатларни мигрантларни қабул қилувчи – реципиент мамлакатлар (АҚШ, Австралия, Канада, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Ғарбий

Европанинг ривожланган мамлакатлари ва бошқалар), мигрантлар келиб чиқувчи – донор мамлакатлар (Жазоир, Озарбайжон, Польша, Тожикистон, Филиппин, Ўзбекистон, Қирғизистон ва бошқалар), шунингдек, ҳам қабул қилувчи, ҳам келиб чиқувчи транзит мамлакатлар (Латвия, Россия Федерацияси, Эстония ва бошқалар) га ажратишган.

Ушбу таснифлашдан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини инобат олган ҳолда муаллиф томонидан донор мамлакатларнинг (Озарбайжон, Туркия, Хитой, Ҳиндистон) миграция сиёсатини давлат томонидан тартибга солиш хусусияти таҳлил этилган. Муаллиф қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижаларига асосланиб, Ўзбекистон шароитида кўпроқ Озарбайжонда амалга оширилаётган миграция жараёнларини бошқариш модели қўлланилиши мумкинлиги ҳақида хулосага келган.

Мазкур параграф доирасида тадқиқотчи томонидан Озарбайжоннинг илғор тажрибасига асосланган ҳолда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга “ягона дарча” принципи асосида яшаш ва меҳнат қилишга рухсатнома олиш учун хизмат кўрсатиш, фуқаролик ҳамда қочоқ мақомини белгиловчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича функцияларни босқичма-босқич Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигига ўтказиш зарурлиги асослантилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг муаммолари ва уларни ҳал этиш масалалари**” деб номланиб, унда миграция жараёнларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, миграция соҳасидаги давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар кўриб чиқилган. Миграция соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг институционал ва ташкилий тизимини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бобнинг биринчи параграфи “**Ўзбекистонда миграция жараёнларини бошқаришнинг ҳуқуқий муаммолари**”га бағишланган бўлиб, унда миграция жараёнларини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши масалалари тадқиқ этилган, мазкур соҳадаги институционал ислохотлар суръати ва амалга оширилган ўзгаришлар тизимли равишда таҳлил қилинган ҳамда миллий қонунчиликнинг миграцияни бошқариш соҳасида умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлиги даражаси ўрганилган.

Диссертантнинг фикрича, миграция соҳасидаги давлат бошқаруви, аввало, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мазкур соҳада давлат томонидан тартибга солишнинг ягона тизими билан миграция жараёнларининг барча сегментларини босқичма-босқич қамраб олиш бўйича шароитлар яратишга қаратилган. Тадқиқот асосида миграция жараёнларини давлат томонидан бошқаруви шахс ва давлат манфаатларининг мувозанати, миграция оқимининг ўзгариш трендининг таҳлиliga асосланиши, мамлакатдаги ва хориждаги демографик ҳолатнинг инобатга олиниши, шунингдек, мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва миллий хавфсизликни таъминлаш каби устувор вазифалардан келиб чиқиш зарур, деган ғоя илгари сурилади.

Муаллифнинг фикрича, миграцияга доир меъёрий ҳужжатларнинг 3 гуруҳи, яъни конституциявий нормалар, қонунлар ва қонуности нормалар миллий қонунчиликни ташкил қилади.

Конституциянинг 28-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир. Шу ўринда қуйидаги ҳуқуқий муаммога алоҳида эътибор қаратилган. Конституция талабларини бажариш мақсадида шахснинг чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклашни фақат қонун асосида белгилаш кўзда тутилган бўлса ҳам, мазкур чекловлар қонун ости ҳужжатлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4079-сон Қарори билан белгиланганлиги, муаллифнинг фикрича, коллизияни келтириб чиқаради.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрдаги “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Қонун нормалари ҳамда ҳануз сақланиб келаётган прописка институти фуқароларнинг кўчиб юриши, эркин яшаш жойи танлашига бўлган ҳуқуқини ҳимоялаш ва таъминлаш тизимига, шунингдек, мамлакат ичидаги миграция жараёнларини тартибга солишнинг чекловчи усули давлатнинг обрўсига салбий таъсир ўтказди. Тақиқловчи чораларнинг мавжудлиги конституциявий ҳаракатланиш ҳуқуқини чеклаш билан бир қаторда, бюрократия ва коррупция хавфини келтириб чиқаради. Шу боис, ушбу усулдан воз кечиш таклиф этилади. Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек, аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида қабул қилинган ушбу ёндашувнинг мавжудлиги, тадқиқотчининг назарида, айрим аҳоли пунктларининг комплекс ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, ҳужжат матнидаги “Тошкент вилояти” сўзларини чиқариб ташлаш таклифи берилган.

Ўтказилган тадқиқот миграция масаласига оид барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона Ўзбекистон Республикасининг Миграция кодексига тизимлаштириш орқали миграция жараёнларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Ҳуқуқий таълимотни янада ривожлантириш ва мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти жараёнини такомиллаштириш мақсадида ҳуқуқшунослик йўналишидаги таълим муассасаларининг ўқув дастурларига “Миграция ҳуқуқи” фанини киритиш таклиф этилади.

